

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ**

халқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами

**Ўзбекистон, Тошкент ш.,
2020 йил 20 май**

УЎК: 658.01:6П2.15.7:338(575.1)

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга ошириш” дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг илмий асосларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида 2020 йил 20 май куни Тошкент давлат иқтисодиёт университети Корпоратив бошқарув факультетининг Корпоратив бошқарув ва Менежмент кафедралари ҳамда Россия Федерациясининг Урал давлат иқтисодиёт университетининг Иқтисодий назария ва корпоратив иқтисодиёт кафедраси иштирокида “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий ўтказилган илмий-амалий конференцияга келиб тушган илмий мақолалар жамланган.

Унда қуйидаги шўъбалар бўйича мақолалар тизимлаштирилган:

- Рақамли иқтисодиётда менежментнинг ўрни.
- Рақамли иқтисодиёт соғлом рақобат муҳити таъминланишининг етакчи омили.
- Рақамли иқтисодиёт инновацион менежментнинг асоси.
- Акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибadorлигини оширишда корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш.
- Корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни.

Мақолаларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

ТДИУ ректори, т.ф.д., проф. К.А.Шарипов умумий таҳрири остида.

Таҳрир хайъати: и.ф.д., доц. К.Б.Ахмеджанов, и.ф.д., проф. Н.Қ.Йўлдошев, DSc. проф. Р.Карлибаева, доц., Н.Т.Урмонов, и.ф.н., доц. М.Умарходжаева, и.ф.н., доц. А.А.Темиров, PhD. Б.Н.Уринов, PhD. А.Ж.Хўжамуродов, кат. ўқт. А.К.Шермухамедов, кат. ўқт. О.Д.Джурабаев.

© *Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2020*

	Абдусаломов О.Э.	преимущества предприятий	
38.	Умарходжаева М.Г., Шермухамедов А.К.	Роль цифровой экономики в повышении конкурентоспособности национальной экономики	152
39.	Fayzullaev S. Sarvar	Ways of improving effectiveness of board of directors	154
40.	Ходжамуратова Г.Ю.	Рақамли иқтисодиёт шароитида тўқимачилик саноатини ривожлантириш стратегиялари	157
41.	Халимова Ф. Н.	Рақамли иқтисодиёт шароитида туризм соҳасида пиар менежментни қўллаш зарурияти	161
42.	Khojimatov R.R.	The impact of the digital economy on the efficient managing of silk processing enterprises	165
43.	Ходжиақбарова З.Ф.	Менежмент и цифровая экономика	167
44.	L.Y. Shemyatikhina	Knowledge management for economic systems development and sustainability	170
45.	Юсупова Д.Т., Нажмиддинова Д.	Таълим сифатини оширишда инновацион фаолиятнинг ўрни	172
46.	Yuldasheva D	Raqamli iqtisodiyot sharoitida oziq-ovqat havfsizligini ta'minlashning ustuvor yo'nalishlari	175
47.	М.Юсупов, Ж.Мўминов	Республикада ёғ-мой саноатини ривожлантириш йўналишлари	178
48.	Эшматов С.А.	Рақамли иқтисодиёт шароитида бренд сиёсатини юритиш принциплари ва омиллари	181
49.	Ҳахуаева I.K.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida ishlab chiqarish korxonalarida menejment tamoyillarining o'rni	184
2-ШЎҒБА: РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУХИТИНИ ТАЪМИНЛАНИШНИНГ ЕТАКЧИ ОМИЛИ			
50.	Абдуллаев У. А.	Цифровая экономика является ведущим фактором в обеспечении здоровой конкурентной среды - барьеры и риски цифровизации экономики в узбекистане.	188
51.	Аширматова Ш.Н., Юсупова Д.Т.	Ўзбекистон Республикасида экспорт сиёсатининг моҳияти ва вазифалари	190
52.	Карлибаева Р.Х., Карлибаева Г.Х.	Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини ривожлантириш	193
53.	Карриева Я.К., Камалова Э.А., Корриева Ш.С., Ибрагимов Ф.А.	Роль и место международного транспорта в логистической управлении перевозках внешнеторговых грузов	200

The introductory course, as a rule, includes familiarization with internal documents and the current situation in key areas of the company's activities, acquaintance with the chairman of the board of directors, general director and management, and visits to the company's production facilities. Such a familiarization program allows new members of the board of directors, without wasting time “swinging”, to quickly get on track and from the first meetings to fully participate in the work of the board of directors.

9. Board Assessment

One of the tools that can increase the effectiveness of the board of directors is evaluation. It can be carried out in the form of self-esteem and external evaluation. An external assessment of the board of directors is the opinion of an independent consultant about the practice of the board of directors, its strengths and weaknesses. Self-assessment allows members of the board of directors themselves to evaluate the results of their work, to note strengths, to identify those areas that require improvement.

Self-assessment and external evaluation is a kind of indicator of the maturity of the board of directors, their willingness to seriously and meaningfully think about their own effectiveness, to constructively discuss the results and find growth points in them.

Work to improve their own effectiveness will be useful to each board of directors and will allow it to be more prepared for new realities, challenges and risks in conditions of high uncertainty.

*Г.Ю. Ходжамуратова, и.ф.н., доцент,
ТДИУ*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан тараққий эттириш энг устувор вазифалардан бири саналади. Шу боис бу масалага 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам алоҳида эътибор қаратилган⁵⁰. Жумладан, саноатни модернизациялаш ва диверсификациялаш, асосан, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш йўли билан юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва сифат нуқтаи назаридан янги босқичга ўтказиш бош мақсад қилиб қўйилган. Ўз навбатида, энгил саноат тармоғини ривожлантириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Айни пайтда эса уларнинг ижросини таъминлаш бўйича диққатга молик ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада президентимиз 2017 йил 24 декабрда имзолаган “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон дастуруламал вазифасини ўтамоқда. Унга мувофиқ, юртимизда кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. //Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль.

трикотаж маҳсулотлари тайёрлашни ташкиллаштириш, тармоққа тааллуқли ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, маҳаллий корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда дунё бозорида табиий толалардан тайёрланган буюмга бўлган ўсиб бораётган талабни ҳисобга олиб, Ўзбекистон енгил саноати нафақат пахта толасини етказиб берувчи сифатида, балки тўқимачилик маҳсулотлари, хусусан, тайёр маҳсулотлар экспортчиси сифатида ҳам жаҳон бозорида етакчи позицияларни эгаллаш учун чексиз имкониятларга эга.

Йил сайин хорижий сармоядорларнинг пахта толасини қайта ишлаш ва тайёр истеъмол товарларини ташкил қилиш бўйича қўшма корхоналарни яратишга бўлган қизиқишлари ортиб бормоқда. Қўшма корхоналарни яратиш ва фаолият кўрсатиши бўйича иш тажрибаси ижобий натижаларга олиб келди ва келажакда ҳам компания ишининг ажралмас қисмини ташкил қилади. Бундан ташқари республика раҳбариятининг республикага хорижий сармояларни жалб қилиш учун қулай шароитларни яратаётганлиги муҳим омил ҳисобланади⁵¹.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ташкилий тузилмаси таркибига 4 та тармоқ киради: тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж. 4 қани йўқ ? “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг келгусидаги стратегиялари қуйидагилар:

-мавжуд корхоналарни техник ва технологик қайта қуроллантириш ва янги юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Республика миқёсида маҳаллий хомашёларни (пахта толаси, пилла, хом ипак) қайта ишлаш даражасини ошириш ҳамда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

-биринчи навбатда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар билан экспорт ҳажмини ва ички бозорни тўлдириш даражасини кескин юксалтириш. Юқори технологияли маҳсулот экспорти ҳажмини кенгайтириш;

-худудларда тикувчилик ва бошқа лойиҳалар эвазига янги ишчи ўринларини ташкил этиш.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси корхоналарининг экспорт имкониятлари доимий равишда таҳлил қилиб борилмоқда, натижада ҳозир экспорт номенклатураси йил сайин кенгайиб бораётганини кузатиш мумкин. Маҳсулотларнинг сифат параметрлари яхшиланиб, ИСО-9000 халқаро стандартлари талаблари даражасига етказилмоқда. Маркетинг ва экспорт хизматлари эса бевосита ушбу ишни тезкорлик билан амалга ошириб, маҳсулотни халқаро бозорларда сотиш бўйича ҳамкорларнинг тижорат таклифларини кўриб чиқади ҳамда интернет ёрдамида тўқимачилик

⁵¹ “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ҳисоботларидан олинган

маҳсулотлари бозорининг ҳолати ҳақидаги ахборотни кузатиб, таҳлил қилиб боради.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг экспорт имкониятлари доимий равишда таҳлил қилиб борилмоқда, натижада ҳозир экспорт номенклатураси йил сайин кенгайиб бораётганини кузатиш мумкин. Маҳсулотларнинг сифат параметрлари яхшиланиб, ИСО-9000 халқаро стандартлари талаблари даражасига етказилмоқда.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналарга чет элда савдо уйлари очиш ва рўйхатга олишда услубий ёрдам кўрсатиб, улар фаолиятининг мониторингини амалга оширади; шартномаларни, товарларнинг муддатлар ва номенклатура бўйича юкланишини, валюта маблағлари тушумини таҳлил қилади. Кейинги пайтда ўз салоҳиятини ривожлантириш йўлида компания газмоллар, трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари экспорт қилишга асосий эътибор қаратмоқда⁵².

“Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда мамлакат саноати етакчи ўрин тутди”⁵³.

Шунинг учун мамлакат саноатнинг рақобатбардошлигини ошириш ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

- технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳамда хомашё, материал ва энергия ресурслари сарф меъёрини 10-15 %га тушириш ҳисобига таннархни пасайтириш ва ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, 2020 йилга бориб, саноатда сарфланадиган энергия улушини камида 30 % камайтириш;

- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ва саноат бўйича йилига меҳнат унумдорлигини 6-7 %га ошириш, фойдаланиш ва ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, ходимлар сонини оптималлаштириш;

- саноат тармоғида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналардаги маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш воситаларини янгилашни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини янада модернизациялаш ҳамда корхоналарда жаҳон андозаси талаблари даражасида муваффақиятли синовдан ўтган замонавий технологияларни жадал жорий этиш;

- ишлаб чиқаришни самарали диверсификациялашуви ва анъанавий тармоқлар экспортини (нефть-газ саноати, рангли металлургия, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, шу жумладан, пахтани) таъминловчи хомашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштириш йўналишларига инновацияни қўллаш;

⁵²“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ҳисоботларидан олинган.

⁵³ Азизхўжаев А., Умарова Н., Қўчқоров Р. Глобаллашув ва ахборотлашган жамият муаммолари. – Т.: Akademiya, 2011 й. -128 б.

- маҳаллий маҳсулотлар сотиш бозорларини ўрганиш ва уларнинг мос бозор сегментларидаги ўрнини аниқлаш йўналишида маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш;

- юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун божхона қонунчилиги ва маъмурчилигини такомиллаштириш;

- корхоналар молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш: саноат тармоқлари корхоналари таркибининг молиявий менежер ва бошқарувчилари тайёрлаш даражаларини ошириш.

Ўзбекистон Республикасида саноат-инновацион ривожланиш стратегияси иқтисодий диверсификациялаш ва модернизация қилиш, маҳсулотларнинг рақобатли турларини ишлаб чиқариш ва товарлар экспортини ошириш учун шароитлар яратиш асосида мамлакатнинг ривожланишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Қабул қилинган стратегик режага мувофиқ, Ўзбекистон очик иқтисодий, товарлар экспортига йўналтирилган, дунёдаги барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва рақобатга асосланган мамлакат сифатида шаклланимуда. Шу билан бирга, Ўзбекистон йирик ёқилғи ва минерал хомашё салоҳиятини мужассамлаштирган мамлакат сифатида саноатнинг қайта ишлаш тармоқларига инвестициялар киритиш учун жозибдорлиги кам ҳисобланади. Бу эса мамлакат иқтисодий хомашё ресурслари бозоридаги конъюнктура ўзгаришларига таъсирчан ва сезувчан қилиб қўяди.

Рақобат соҳасида давлат сиёсати фирром стратегияларни бажариш бўйича чора-тадбирлар режасида мамлакат саноат-иқтисодий ривожланиши ҳар бир босқичининг сифат хусусиятлари ҳисобга олинади ва стратегия қоидаларини амалга ошириш бўйича муайян чора-тадбирлар назарда тутилади. Бунда саноат ривожланишининг устувор йўналишлари бўйича асосий тармоқ (сектор) дастурларини ишлаб чиқиш назарда тутилади. Уларда муайян ижрочилар ва амалга ошириш муддатлари, шунингдек, йиллар бўйича молиялаштириш манбалари ва кутилаётган ҳажмлар кўрсатилади.

Стратегияни амалга ошириш механизми, шунингдек, дастурларни ишлаб чиқиш уларнинг мулкчилик шакли ва қайси маҳкамага бўйсундирувчидан қатъи назар илмий-тадқиқотчилик ва бошқа ташкилотлар иштирокида амалга оширилишини ҳам қамраб олади.

Саноат-инновацион ривожланиш стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш иқтисодий модернизациялаш, диверсификациялаш ва рақобатбардош маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва экспортни ошириш асосида мамлакат иқтисодийнинг узок муддатли барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилиши лозим. Иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, менежмент ва маркетинг тадқиқотлари, маҳсулотни

сертификатлаш ва стандартлаштириш борасида ортда қолишни бартаараф қилиш чораларини кўришда фан ютуқларидан фойдаланишни яхшилаш билан боғлиқ.

Шу асосда қўшилган қиймати юқори бўлган юқори технологияли ва кўп илм талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши фойдасига жиддий таркибий ўзгаришлар рўй беради. Ушбу йўналишда иқтисодийетни модернизациялаш ва диверсификациялаш иқтисодийет тараққийетида муҳим йўналиш ҳисобланади.

*Ф.Н. Халимова, ассистент,
ТДИУ*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИДА ПИАР МЕНЕЖМЕНТНИ ҚЎЛЛАШ ЗАРУРАТИ

Мамлакатимиздаги тинч-осуда ҳаёт, ҳамжиҳатлик, миллий урф-одат ва анъаналар, хунармандчилик намуналари, халқимизга хос бўлган меҳмондўстлик фазилатлари туфайли давлатимиз замонавий сайёҳлик инфратузилмаси ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгалламоқда. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимиз тараққийетига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизга туристларни жалб қилиш ва ички туризмни ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш, мавжудларини ривожлантиришга бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Дарҳақиқат, мазкур тармоқни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор иқтисодийетнинг муҳим манбаи ҳисобланиб, ЯИМни шакллантириш, бандликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишда ҳам етакчи ўрин тутаяди. Ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ижобий натижаларини бермоқда. Яъни аниқ мақсадли ва тизимли чора-тадбирлар туфайли туризмнинг энг илғор, замонавий қирралари шакллантирилишига эришилмоқда.

Энг муҳими, соҳанинг жадал тараққий этиши учун босқичма-босқич дастурий ҳаракатларни рўёбга чиқаришга киришилган. Хусусан, туризм соҳасида тармоқ соҳасини ислоҳ қилиш, туризм тармоғини тартибга солиш бўйича қонун ҳужжатлари базаси такомиллаштирилган. Фақат 2018-2019 йилларда тармоқни тартибга солиш бўйича 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган ҳамда туризм ташкилотлари сони 75 фоизга ошган. Кириш ва ички туризмни ривожлантириш бўйича 147 та тадбир амалга оширилган⁵⁴.

Бугунги кунда турли ички инвестициялар ва хорижий сармоялар жалб этилаётгани ҳам соҳада йирик лойиҳалар муваффақиятида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, Тошкентда йирик инвестиция лойиҳалари – “Амирсой” тоғ-чанғи мажмуаси, гольф-клуби ва гольф-академияси, “Учта шаҳар мажмуаси, ЕТТБ билан Хоразм вилоятида маданий мерос объектларини сақлаш бўйича қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда, Бухоро шаҳрида 1 150 ўринга

⁵⁴ www.Lex.Uz